

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

“АХБОРОТ СОАТИ”
МАТЕРИАЛЛАРИ

Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари
(2015 йил 18 - январдан 23-январ)

№21

Тошкент – 2015

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Ўзбекистон ва Бангладеш 1999 йилдан 2004 йилгача амал қилган икки давлат ўртасида тўғридан-тўғри авиаалоқани тиклаш бўйича музокараларни бошлади. Бу ҳақда Бангладешнинг Ўзбекистондаги элчиси Маъсуд Маннон [маълум қилди](#). Унинг айтишича, жорий йилда давлатлар икки томонлама алоқаларни жиддий жадаллаштирмоқчи ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни кучайтирмоқчи. Бу борада авиаалоқани тиклаш бўйича музокараларнинг муваффақиятли якунланиши олға интилишга яхши асос бўлади.

“Мен бу масала яқин орада ҳал бўлишига умид қиламан. Бизнинг давлатлар ўртасида парвозларни тиклаш бўйича дастлабки келишув бор ва бу ижобий ҳолатдир”, деб айтди Маннон. Икки давлат ўртасидаги олий даражадаги алоқалар хусусида гапириладиган бўлса, жорий йилда Ўзбекистонга Бангладеш савдо вазири ташриф буюрмоқчи. Шунингдек, давлатлар ўртасида ташқи ишлар вазирликлари даражасида маслаҳатлашувларни ташкиллаштириш режалаштирилган. Бу тадбирлар дастлабки маълумотларга кўра йилнинг биринчи ярмида бўлиб ўтади, иккинчи ярмида эса Тошкентга Бангладеш ташқи ишлар вазири Ислом ҳамкорлиги ташкилотига аъзо давлатлар вазирлари учрашувида иштирок этиш учун келади. Элчининг фикрича, яқин йилларда инвестицион соҳадаги ҳамкорликда муваффақиятга эришиш кутилмоқда. Давлатлар Ўзбекистонда яқинда ўз фаолиятини бошлайдиган 10 та фармацевтик корхона ташкил этиш ҳақида келишиб олдилар. Бангладеш ўзбек пахтасининг энг йирик харидори ҳисобланади, 2015 йилда унинг улушига жами ўзбек пахтасининг 29 фоизи тўғри келган. Бангладеш элчихонаси Ўзбекистонга чой, фармацевтик маҳсулотлар ва жут экспорт қилишни кенгайтириш бўйича барча кучларни сафарбар қилмоқда. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг энг тез ривожланаётган тармоғи сайёҳлик ҳисобланиб, бугунги кунда давлатлар ўртасида бу соҳадаги муносабатларни мустаҳкамловчи махсус ҳужжат йўқ, бироқ Бангладеш бу борада иш олиб бормоқда. Икки давлат ўртасидаги сайёҳликни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи энг катта муаммо тўғридан-тўғри авиаалоқанинг йўқлиги бўлмоқда. Бангладешликлар Ўзбекистонга саёҳат қилишга, айниқса диний сайёҳлик доирасида ташриф буюришга катта қизиқиш билдирмоқдалар. “Кўпчилик бангладешликлар мусулмон дунёсида донғи кетган ёдгорликлар – Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Нақшбандий мажмуаларига ташриф буюришни истайдилар”, деб айтмоқда Маннон. Унинг таъкидлашича,

Ўзбекистон ва Бангладеш бир неча соҳалар – маданият, бизнес ва сайёҳликда катта кўламда алмашинув ташкил этиш имкониятга эга.

ЯНГИ ЙИЛДА МОБИЛ АЛОҚА ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

2016 йилнинг 1 январидан Ўзбекистондаги барча мобил алоқа операторлари даромад солиғининг “сузувчи” ставкаларига кўчди. Яъни улар эндиликда фаолиятининг рентабеллигидан келиб чиққан ҳолда солиқ тўлашади. Sputnik агентлиги янги йилда Ўзбекистонда мазкур соҳа қандай аҳволда бўлишини ўрганиб чикди. Бир томондан, глобал ўзгаришлар туфайли мобил хизматлар нархи ошиши кутилмоқда, лекин компаниялар регуляторнинг босими остида нархларни бирданига кўтаришга журъат қилмайди. Шундай бўлса-да, таъкидланишича, нархлар ошишидан қочиб бўлмайди. Кучли рақобат шароитида ички бозорда яқиндан фаолиятини бошлаган UMS ва Uzmobil компаниялари ҳаливери нархларни тушириб, бозорнинг етакчилари бўлмиш Beeline ва Ucell билан беллаша олмайди, негаки тушумнинг катта қисми ҳозирча банклардан олинган кредитларни ёпишга кетмоқда. Бозорнинг асосий ўйинчилари бўлмиш Beeline ва Ucell ўтган йил давомида қўшимча базавий станциялар ўрнатиб, уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун муқобил энергия манбаларини яратди. Бу узоқ ҳудудларда алоқа сифатини таъминлашга кўмак беради. Шу билан бирга, янги солиқ ставкаларига кўра, агарда фаолият рентабеллиги 20 фоизни ташкил қилса, у ҳолда компания солиқни эски ставка бўйича 7.5 фоиз миқдорида тўлашда давом этади. Агарда рентабеллик даражаси 20 фоиздан ортса, у ҳолда ундан юқори даромаднинг 50 фоизи солиқ сифатида олиб қўйилади. Шу тариқа, компаниялар учун кўп даромад олиш амалда зарар кўришга тенг бўлиб қолди.

ЯНГИ КОРХОНАЛАР

Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси 20 январда эълон қилган маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 2015 йилда Россия инвестициялари иштирокида 91 та корхона ташкил этилди, бу ўтган йил яқунларига кўра иккинчи кўрсаткич бўлди. 2014 йилда бу рўйхатга 69 та корхона киритилганди. Статистика қўмитаси маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 2015 йилда хорижий

капитал иштирокидаги 494 та корхона рўйхатдан ўтказилди. 2014 йилда бундай корхона 433 тани ташкил қилганди. Бу борада Хитой инвестициялари иштирокида тузилган корхоналар етакчилик қилмоқда, бундай корхоналар 103 тани ташкил қилган. Шунингдек, етакчи учталиқка Жанубий корейлик ҳамкорлар иштирокида тузилган корхоналар қирган, уларнинг сони 53 тани ташкил қилди. Россия бизнеси 2015 йилда Ўзбекистон саноатида 24 та, савдода 14 та, қурилишда 11 та, транспорт ва алоқада 10 та ва ишлаб чиқариш соҳасида 32 та янги корхона яратди.

2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда хорижий капитал иштирокида тузилган 4,8 мингдан кўпроқ корхона фаолият юритмоқда, улардан 900 га яқини Россия капитали иштирокида яратилган. Россия Ўзбекистоннинг энг йирик инвестицион ҳамкори бўлиб қолмоқда, Россия компанияларининг Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялари охириги йилларда 6 млрд доллардан ошиб кетди.

Россия элчихонаси маълумотларига кўра, 2015 йилнинг 9 ойи давомида Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо айланмаси 29,2 фоизга, яъни 2,14 млрд долларгача камайиб кетган. Жаҳон бозорларидаги ноқулай шароитларга қарамасдан, Россия улушига Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмасининг деярли 25 фоизи тўғри келади.

ҲАВО ЙЎЛЛАРИ КЕЛИШУВ ИМЗОЛАНДИ

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси “Уральские авиалинии” билан Наманган-Екатеринбург-Наманган ҳаво линиясини биргаликда эксплуатация қилиш борасида келишувга эришди. Код-шеринг борасидаги келишув доирасида 31 декабрдан эътиборан Ўзбекистон миллий авиаташувчиси Наманган-Екатеринбург-Наманган йўналиши бўйича “Уральские авиалинии” рейслари учун чипталар сотишни йўлга қўйган. Парвозлар ҳафтасига бир марта пайшанба кунлари Airbus 320 лайнерларида амалга оширилади.

КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

Пойтахтимизда “Универсиада – 2016” спорт мусобақаларининг саралаш баҳслари ўтказилмоқда. Унда олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган

талабалар куч ва маҳоратини намоиш этмоқда. Жорий йилда Фарғона вилоятида ўтказиладиган “Универсиада – 2016” спорт мусобақалари дастурига киритилган 15 спорт тури – эркин, юнон-рум кураши, таэквондо (WTF), бокс, дзюдо, енгил атлетика, теннис, стол тенниси, сузиш, оғир атлетика, баскетбол, волейбол, футбол, шахмат, қўл тўпи бўйича саралаш мусобақалари давом этмоқда.

ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАРДА ИШТИРОК ЭТМАГАН МАЪҚУЛ...

18 январь куни Ўзбекистоннинг Украинадаги элчихонаси тарқатган хабарномада ушбу мамлакатга келиб, ҳарбий ҳаракатларда иштирок этиш ниятида бўлган фуқароларни мазкур хатти-ҳаракат келтириб чиқарадиган оқибатлардан **бохабар қилди**. “Украина шарқида тўхтамаётган ҳарбий ҳаракатлар, шунингдек, Украинанинг чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги йўқ шахслар томонидан Украина қуроли кучларида ҳарбий хизмат ўташига расман рухсат бериши фонида Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги элчихонаси ушбу мамлакатга ҳарбий ҳаракатларда иштирок этиш мақсадида келмоқчи бўлган фуқароларни тилга олинган жиноятларни амалга оширмасликка чақириб, бунинг учун жиноий жавобгарлик белгиланганини эслатиб ўтади”,- дейилади хабарномада.

Эслатилишича, Ўзбекистон ЖКнинг 154-моддасига кўра, ёлланма ҳарбийлик бошқа давлатлар ҳудудидаги ҳарбий ҳаракатларда ноқонуний иштирок этганлик учун ҳаттоки ёлланмалик белгилари бўлмаган тақдирда ҳам жавобгарлик юклайди. Бундай жиноятни содир этган шахслар 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниши мумкин.

“Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги элчихонаси ҳар қандай бу тахлит сигналлар ҳуқуқ-тартибот ҳамда Ўзбекистоннинг бошқа махсус давлат органлари томонидан синчиклаб текширилишидан, юқорида модда бўйича жиноят содир этгани ёки этиш ниятида эканлиги ҳақида ҳолис ахборот бўлган ҳар қандай фуқаро таъқибга олинишидан огоҳлантиради”,- деб таъкидланади ҳужжат матнида.

Шу билан боғлиқ равишда ўзбекистонликларга “эҳтиёткорлик” кўрсатиб, ҳарбий гуруҳларда иштирок этишдан бош тортиш тавсия қилинди.

Шу масала билан боғлиқ равишда мураккаб вазиятга тушиб қолган Ўзбекистон фуқаролари Киевдаги элчихонага қуйидаги рақамлар орқали мурожаат қилса бўлади: (+380) 44 501-50-00 ва (+380) 44 501 41 83.

ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ИСПАНИЯДА НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА

Мамлакатимиз туризм салоҳияти Испания пойтахти Мадрид шаҳрида очилган “FITUR – 2016” халқаро сайёҳлик кўрғазмасида намойиш этилмоқда. Сайёҳлик оламининг энг йирик ва нуфузли халқаро анжуманларидан бири бўлган мазкур кўрғазмада қарийб 170 мамлакатдан ўн мингга яқин сайёҳлик компания ва агентликлари, юзлаб соҳа мутахассислари ва экспертлар иштирок этмоқда. Ҳар йили ушбу кўрғазма билан танишиш учун 120 мингдан зиёд одам ташриф буюради. Ўзбекистон мазкур халқаро сайёҳлик ярмаркасида бир неча йилдан буён фаол қатнашиб келмоқда. 2015 йилги ярмаркада мамлакатимиз миллий стенди “Энг яхши стенд” мақомига сазовор бўлган эди. Бу сафар ҳам она Ватанимизнинг фусункор табиати, бетакрор тарихий обидалари акс эттирилган, ёрқин ва ранг-баранг миллий матоларимиз билан безатилган Ўзбекистон миллий стенди ўзига хослиги билан кўрғазма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Мутахассислар стенднинг юксак дид билан тайёрланганини алоҳида таъкидламоқда. “FITUR – 2016” халқаро сайёҳлик кўрғазмасида “Ўзбектуризм” миллий компанияси, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ҳамда мамлакатимизнинг «Orient Voyages», «Elmundo Tour», «Ulysse Tour», «С.А.Т.І.А», «Olimpic Tour Service», «Central Asia Travel» каби қатор сайёҳлик фирма ва компаниялари вакиллари ўз хизматлари билан иштирок этаётир. Кўрғазмада Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва Хива каби қадимий ва навқирон шаҳарларимиздаги тарихий ёдгорликлар, сайёҳлар учун яратилган имкониятлар ҳақида маълумот берилмоқда. Ранг-баранг альбомлар, буклет ва брошюралар анжуман иштирокчилари эътиборига ҳавола этилмоқда. Кўрғазма меҳмонлари, айниқса, ўзбек миллий таомлари ва лаззатли ширинликлари хуш таъмини юксак баҳоламоқда. “FITUR – 2016” халқаро сайёҳлик кўрғазмаси мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини жаҳонда янада кенг тарғиб этиш, бу йўналишда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, жаҳон сайёҳлик бозоридаги

янгиликлар ва ўзгаришлар билан танишиш, юртимизга келаётган хорижий сайёҳлар оқимини янада кўпайтиришга хизмат қилади.

ҚИРҒИЗИСТОН РОССИЯ БИЛАН ГЭСЛАР ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ШАРТНОМАЛАРНИ БЕКОР ҚИЛДИ

Қирғизистон президенти Алмазбек Атамбаев Россия билан Қамбарота-1 ГЭСи ва Юқори Норин ГЭС каскади қурилиши бўйича шартномаларни денонсация қилиш тўғрисидаги қонунни имзолади. Бу ҳақда президент маъмуриятининг ахборот сиёсати бўлими маълумот [берди](#). Ҳар икки шартнома 2012 йил 20 сентябрь куни Бишкекда имзоланган эди. Денонсация қилиш тўғрисидаги қонун Жўқорғи Кенгаш томонидан 2016 йил 20 январь куни қабул қилинди.

КЕРРИ: РОССИЯГА ҚАРШИ САНКЦИЯЛАР БЕКОР ҚИЛИНИШИ МУМКИН
АҚШ давлат котиби Жон Керрининг таъкидлашича, Минск келишувлари бажарилган тақдирда Россияга қарши санкциялар бекор қилиниши мумкин. Бу ҳақда у Давосда ўтаётган халқаро иқтисодий форумдаги чиқишида айтиб [ўтди](#). “Етарлича ҳаракат қилинса, муаммони икки томондан ҳам ҳалол ва қонуний ечимга ҳаракат бўлса, яқин бир неча ой мобайнида Минск келишувлари бажарилиши мумкин ва мана шунда Россияга қарши санкциялар ҳам бекор қилинади”,- деди у.

Ахборот соати раҳбари

Тугалов А